Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 26 ноябрь, шанба | №174 (21.749) | Сотувда эркин нархда.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

25 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Миср Араб Республикасининг мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган таълим вазири Ҳусайн Комил Баҳоуддинни қабул қилди.

Ислом Каримов суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Миср Араб Республикаси ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг, айниқса, маънавий ва маърифий соҳалардаги ҳамкорликнинг кенгайиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

Президентимиз жумладан, Тошкентда иш бошлаган "Миср фан ва таълим маркази" ҳақида тўхталиб, у мамлакатларимиз ўртасида нафақат маданий-маърифий, балки бошқа соҳалардаги алоқаларнинг ҳам мустаҳкамланишига хизмат қилади, деди.

Ҳусайн Комил Баҳоуддин самимий қабул учун миннатдорлик изҳор этиб, Ўзбекистонга ташрифи ниҳоятда самарали бўлганини айтди. У икки дўст халқнинг илму маърифат борасидаги алоқалари узоқ тарихга эгалиги ҳақида гапирар экан, келгусида бу муносабатларнинг янада ривож топишига умид билдирди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири А. Комилов иштирок этди.

Қабул чоғида Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги мувакқат ишлар вакили Абдулғани Муҳаммад Абдулғани ҳозир бўлди.

(ЎзА).



***

Суратда: қабул пайти.

Суратчи А. ЗУФАРОВ (ЎзА).

МАҚСАДИМИЗ — ОЗОД ВА ОБОД ВАТАН, ТИНЧ ВА ФАРОВОН ҲАЁТ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИР ҚАТОР ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИНИНГ САЙЛОВЧИЛАРГА МУРОЖААТИ

Азиз ватандошлар!

Истиқлолимиз шарофати туфайли ўзлигимизни, Ватан деган улуғ сўзнинг том маъносини қайтадан англай бошладик. Жаҳоннинг кўплаб давлатлари Ўзбекистонда ҳукм сураётган тинчлик ва барқарорлик боис, биз билан ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий алоқаларни ўрнатишга интилмоқдалар. Диёримизда инсоний фазилатлар ардоқланмоқда. Халқимиз танланган тараққиёт йўлидан эртанги кунга ишонч ила дадил одимламоқда.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Раиси, республикамиз Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов раҳбарлигида давлатимиз томонидан олиб борилаётган халқчил, инсонпарвар ички ва ташқи сиёсатни рўёбга чиқариш ишида, жонажон Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини қуришда иштирок этаётганимиздан фахрланамиз.

Шу йил 25 декабрь куни мамлакатимизда биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига кўппартиялилик асосида илк бор сайловлар ўтказилади. Сайловларнинг мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий тараққиёти учун тақдириломон аҳамияти шубҳасиздир. Демократик сайловлар республикамизда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро учун сайлов куни ўзининг Конституциявий бурчини бажариши билан бирга, Ватанимиз нурли истиқболининг тақдирига дахлдор овоз беришдек ноёб имконият туғдирмоқда. Мустақиллигимиз истиқболининг туб манфаатлари бу имкониятдан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси мамлакатнинг Олий Мажлиси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига халқимизнинг муносиб вакилларини номзод этиб кўрсатди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси — мустақиллик фарзанди. У ўз олдига қўйган мақсадлари ва аниқ фаолияти билан чинакам халқ партияси эканлигини исботлади, ўтган қисқа давр ичида жамиятимизнинг энг нуфузли ва йирик ижтимоий-сиёсий кучига айланди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастурида мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини ошириш, республикамизнинг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олишини таъминлашга оид вазифалар ва уларни ҳал этиш мурватлари акс эттирилган, унинг Олий Мажлис, давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идоралари депутатлигига кўрсатган номзодлари эса ушбу буюк мақсад ва вазифаларни бажаришга қодир, ташаббускор, ислоҳотлар йўлига содиқ ватанпарвар, элимизнинг муносиб ўғил-қизларидир.

Биз вакиллари бўлмиш ташкилотлар барча аъзоларини, фаолларимизни бўлажак сайловларда, уларнинг фуқаролик ҳуқуқларини чегараламай ва барча даражадаги депутатликка номзодлар учун овоз беришларида шахсий эркинликка риоя этишнинг Конституциявий талабларига асосланиб, Ватанимиз равнақи, севимли Ўзбекистонимизнинг буюк келажагини яқинлаштириш йўлида ўзларини аямайдиган, Халқ демократик партиясидан кўрсатилган фидойиларни қўллаб-қувватлашга, улар учун овоз беришга даъват этамиз.

Ўзбекистон — диёримизда истиқомат қилувчи барча миллат, элат ва халқларнинг суюкли Ватани, умумий хонадонимиз. Эндиликда, ҳар биримиз мамлакат равнақи учун курашда ўрнимизни топиб, ана шу юртнинг тенг ҳуқуқли фуқароси сифатида мустақилликнинг барча масъулиятини зиммамизга олиб, давлатимизнинг порлоқ истиқболи йўлида фидокорона меҳнат қилайлик, Ватан, миллат, ғурур, деган олий қадриятларни баҳамжиҳат қўриқлайлик, тинмай ижодий изланайлик, бир-биримизга иймон ва меҳр билан боқишга одатланайлик. Ана шундагина халқимиз бирдамлиги, осойишталиги, тотувлигини таъминлаш, она-Ватанимиз нурли келажагини яқинлаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимизнинг муқаррар ғалабасига эришамиз.

Сайловларда бағри кенг халқимиз иродаси ғолиб чиқсин!

Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси
Ҳулкар ЖАМОЛОВ
Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари уюшмасининг Кенгаши раиси
Бектош РАҲИМОВ
Ўзбекистон Республикаси "Маҳалла" ҳайрия жамғармасининг раиси
Шукур ТЕМУРОВ
Ўзбекистон Республикаси "ЭКОСАН" экология ва саломатлик халқаро жамғармаси президенти
Юсуф ШОДИМЕТОВ
Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси
Дилбар ҒУЛОМОВА
Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий қўмитаси биринчи котиби
Алишер ТЕШАБОЕВ
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси
Жамол КАМОЛ
Ўзбекистон Ногиронлар жамияти раиси
Содиқ УБАЙДУЛЛАЕВ
Ўзбекистон Республикаси Байналмилал маданий маркази раҳбари
Карим РАСУЛОВ.

Афғонистон Ислом давлати ташқи алоқалар давлат вазири доктор Н. Лафроининг Ўзбекистонга ташрифи ҳақида АХБОРОТ

1994 йил 21-23 ноябрь кунлари ташқи алоқалар давлат вазири доктор Н. Лафрои бошчилигидаги Афғонистон Ислом давлати делегацияси Ўзбекистон Республикасида бўлди.

Н. Лафрои Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовга Афғонистон Ислом давлати Президенти Б. Раббонийнинг шахсий мактубини топширди.

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида бўлган музокараларда томонлар ўзаро аҳамиятга эга бўлган бир қанча масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

Шунингдек, икки томонлама муносабатларнинг ҳолати ҳамда уларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Музокара иштирокчилари минтақа хавфсизлигини таъминлаш муаммосига алоҳида эътибор қаратдилар.

БМТнинг Афғонистонда миллий тотувликка эришиш юзасидан қилаётган саъй-ҳаракатлари қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон ва Афғонистон томонлари, шунингдек минтақада тинчлик ва барқарорлик ўрнатилиши юзасидан таклиф этилиши мумкин бўлган бошқа ташаббусларни ҳам қўллаб-қувватлашни ёқлаб фикр билдирдилар.

Тожикистон-Афғонистон чегарасида хавфсизликни кафолатлайдиган шароит яратиш зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

1994 йил 23 ноябрь куни Афғонистон ташқи алоқалар давлат вазири Н. Лафрои ва унинг ҳамроҳлари ватанига жўнаб кетди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ТИЗИМИ ХОДИМЛАРИГА

Сизларни ва республикамизнинг барча ҳуқуқшуносларини Адлия вазирлиги ва унинг таркибий тузилмалари ташкил этилганлигининг 70 йиллик байрами билан чин дилдан муборакбод этаман.

Мамлакатимизда амалдаги суд ҳокимиятининг барпо этилиши адлия тизими ходимлари зиммасига янада муҳим ва ғоят масъулиятли вазифаларни юкламоқда. Бу соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳозирдаёқ ўз самарасини бераётганлиги эътиборга сазовордир.

Сизларни байрамингиз билан самимий табриклар эканман, ҳуқуқий демократик давлатимиз биносини бунёд этиш, ҳар томонлама мукаммал қонунларни яратиш, уларнинг амалга оширилишини таъминлаш, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқий тафаккур ва маданиятни, адолатли суд тизимини барқарор қилиш борасида кучғайратларингизни аямайсизар, деган умиддаман.

Сизларга Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида, халқимизнинг тинч-осойишта, фаровон ҳаёти, инсон ҳуқуқларининг таъминланиши соҳасида амалга ошираётган муҳим ишларингизда ютуқлар, сиҳат-саломатлик ва оилавий бахт-саодат тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

АДЛИЯ ВА СУД ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Адлия ва суд органларидаги кўп йиллик самарали ишлари, қонунчиликни мустаҳкамлашга, ҳуқуқни тарғиб қилишга қўшган ҳиссаси ҳамда жамоат ҳаётида фаол қатнашаётганликлари учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ"

Ясиев Илҳомжон — Фарғона шаҳар судининг раиси;

Дорошенко Наталья Ивановна — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги халқаро-ҳуқуқий бошқармаси бошлиғининг ўринбосари;

Капустянская Нинель Соломоновна — Тошкент шаҳар 1-Давлат нотариал идораси нотариуси;

Маламинова Сабоатхон — Наманган вилояти, Ҳаққулобод шаҳар ҳокимлиги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг мудираси;

Мардиев Алишер Мардиевич — Ўзбекистон Республикаси адлия вазири;

Маҳаматдинова Турдигуль — Нукус шаҳар 1-Давлат нотариал идораси катта нотариуси;

Муродова Дилбар Тўхтамишевна — Қашқадарё вилояти Китоб тумани судининг раиси;

Олимжонов Баҳодир Ғуломович — Адлия ва суд органлари ходимларининг малакасини ошириш институтининг директори;

Отахўжаев Фозил Мақсудович — Тошкент Давлат юридик институти "Фуқаролик ҳуқуқи" кафедрасининг доценти;

Рихсиев Толиб — Тошкент вилояти судининг судьяси;

Шарапов Акром — Бухоро вилояти судининг судьяси;

Шоазизов Шоасқар — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бўлимининг бошлиғи;

Эргашев Вели Ҳамидович — Самарқанд вилояти Тойлоқ туман Давлат нотариал идораси нотариуси;

Якубова Гулчеҳра — Хоразм вилояти Янгиариқ туман судининг раиси;

"ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЖУРНАЛИСТ"

Пирмуҳамедов Ҳакимжон Эгамбердиевич — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги "Адолат" нашриётининг директори.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ

Абдусаломов Мирзаулуғбек Элчиевич — Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг биринчи ўринбосари;

Алламбергенова Шиннигуль Ембергеновна — Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани судининг девонхона мудираси;

Бреднева Любовь Сергеевна — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги халқ хўжалигида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бошқармасининг бош маслаҳатчиси;

Давронов Зариф Сарабекович — Сирдарё вилояти, Янгиер шаҳар судининг раиси;

Зуфаров Ҳикмат — Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани судининг консультанти;

Икромова Мағфрат Ғаниевна — Тошкент Давлат юридик институти "Жиноят ҳуқуқи" кафедрасининг доценти;

Илиев Алтай Муҳамеджанович — Самарқанд вилоят судининг судьяси;

Нам Вера Моисеевна — Тошкент суд экспертиза илмий тадқиқот институтининг етакчи илмий мутахассиси;

Сандова Муборакхон Обидхоновна — Андижон вилояти, Асака шаҳар ҳокимлиги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимининг мудираси;

Сафарова Гулнора Холовна — Қарши шаҳар 1-Давлат нотариал идорасининг катта нотариуси;

Сафаров Қамбарали — Наманган вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича раис ўринбосари;

Синягина Галина Васильевна — Тошкент шаҳар, Чилонзор туман судининг раиси;

Султонов Сайдилла Абдуллаевич — Тошкент шаҳар, Бектемир туман судининг катта суд ижрочиси;

Турсунов Савронбек Акромович — Иззах вилояти судининг раиси;

Тўраев Давлат — Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар судининг раиси;

Халиқова Рита Маджидовна — Андижон вилоят судининг котибаси;

Холматов Орипжон — Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг маъмурий-ҳуқуқий масалалари бўйича етакчи консультанти;

Шералиева Муҳаббат Номановна — Сирдарё вилояти, Сайҳунобод туман ҳокимлиги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудираси;

Шокирова Турсуной Маҳмудовна — Бухоро вилояти, Тўқимачилик тумани ҳокимлиги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудираси;

Юсупов Тўлқин Муқадарович — Тошкент вилояти, Тошкент тумани судининг раиси;

Қурбонов Маҳмуджон — Навоий вилоят судининг раиси.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 24 ноябрь.

МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА УЧРАШУВ

Халқаро Конрад Аденауэр фонди вакили жаноб Седат Акай бир неча кундирки, республикамизда меҳмон бўлиб турибди.

Меҳмон кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашига ташриф буюрди. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов унга республикамиз Президенти И. А. Каримов бошчилигида амалга оширидаётган туб иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, ХДП ташкилотлари ва аъзоларининг улардаги фаол иштироки ҳақида сўзлаб берди. Партиянинг яқинда бўлиб ўтган навбатдан ташқари II қурултойи натижалари, унда қабул қилинган ҳужжатлар, хусусан, сайловолди Сиёсий дастури тўғрисида тўхталиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси бўлажак сайловларга катта тайёргарлик ишлари олиб бораётганлигини билдирди.

Седат Акай, Ўзбекистонга сафаримдан асосий мақсад — мамлакатингиз ижтимоий-сиёсий ҳаёти билан яқиндан танишиш, энг аввало, мустақил давлатингиз тарихида илк бор кўппартиялилик асосида ўтказиладиган сайловларга тайёргарликни кузатишдир, деди. Дастлабки кузатувларим, таъкидлади у, сиёсий партиялар ва ҳокимият вакиллик органлари сайловлар тўғрисидаги Қонунларга тўла риоя қилаётганликларини кўрсатмоқда.

У Ўзбекистон Халқ демократик партиясига сайловларда катта муваффақиятлар тилади.

Седат Акай шу куни Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши, Тошкент вилоят ва шаҳар кенгашлари масъул ходимлари, партиямиз фаоллари учун демократик сайловларни ўтказишнинг айрим жиҳатлари хусусида маъруза қилди.

Шунингдек, у сафар дастурига кўра, қўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳрига борди. Унинг тарихий ва маданий осори атиқаларини зиёрат қилди. Чинни буюмлар заводи меҳнат жамоаси ва маҳалла фаоллари билан учрашди. Шаҳар бўйича Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлигига номзодлар, партиямиз вилоят кенгаши фаоллари ҳузурида сўзга чиқди. Шаҳар ҳокими, Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроқўми аъзоси А. Носиров томонидан қабул қилинди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Б. С. ПАКНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали ижодий меҳнати, адабиётни ривожлантиришдаги хизматлари ва жамоат ҳаётидаги фаол иштироки учун шоир Борис Сенсуевич Пак Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 25 ноябрь

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

АДОЛАТ

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИГА

Йўқсулга дедилар: — даъвойингдан кеч,
Мана ол, сийму зар сенга кафолат.
Йўқсул улар гапин тингламади ҳеч,
Адолат! — деди у, фақат Адолат!
Бадавлат кимсага бердилар савол,
Дедилар: — нима бор кучлироқ пулдан!
У жавоб қайтарди: — қўрқаман, алҳол,
Адолат ахтарган ўша йўқсулдан!

(Абдулла Ориповнинг янги шеърлар туркумини 4-бетда ўқийсиз).

ТАШКИЛИЙ МАСАЛА КЎРИЛДИ

Халқ депутатлари Дўстлик тумани кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди. Қ. Қамбаров ўз аризасига кўра туман ҳокими вазифасидан озод қилинди. Илгари вилоят ҳокимининг ўринбосари бўлиб ишлаб келаётган Абдуҳаким Хожимуродов Дўстлик тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Зарбдор тумани кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида ҳам ташкилий масала кўрилди. Ў. Эркаев ўз аризасига биноан туман ҳокими вазифасидан озод этилди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Илҳом Умурзоқов Зарбдор тумани ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияларда Жиззах вилояти ҳокими А. Тошкенбоев сўзга чиқди.

(ЎзА).

1994 йил 25 декабрь якшанба — САЙЛОВЛАР куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ

ТОШКЕНТ ШАҲРИ БЎЙИЧА

Халқимизнинг эзгу ниятлари, орзу-умидларини рўёбга чиқаришни ўз фаолиятининг асл мақсади ва бош мазмуни, деб билган Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг конституциявий ҳуқуқидан келиб чиқиб, ушбу сайловларда иштирок этишга астойдил бел боғлади.

(Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастуридан)

Азиз Юнусович КАРИМОВ, 1-Саноат сайлов округи

Депутатликка номзод ҳақида "Чевар" ишлаб чиқариш тижорат холдинг муомала акциядорлар жамияти концерни хотин-қизлар кенгаши раиси Мамлакат Муротова ҳикоя қилади:

— Мақсадимиз маҳаллаларда истиқомат қилувчи аёлларни иш билан таъминлаш ва уларнинг турмуш шароитини яхшилашдан иборат. Аёл киши аввало она, оилада тарбиячи, рўзғорда бекадир. Шунга қарамай бирор жойда меҳнат қилишни жуда истайди. Ана шу нуқтаи назардан қараганда улар корхонамизда муносиб ўринни топишмоқда.

Корхона раҳбари Азиз Каримов концернни оёққа турғизишгача бўлган барча ишларда тиним билмай астойдил меҳнат қилмоқда. Бутун маҳорати, куч-ғайратини ишлаб чиқаришни тараққий эттиришга сарфлаяпти. Раҳбаримиз Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда, иқтисодий қийинчиликларни моҳирона енгиб ўтишда ҳозирги талабларга тўлиқ жавоб берувчи маҳоратли саноатчи бўлиш билан бирга оилада меҳрибон ота, корхонада ишчилар даврасида яхши маслаҳатчи ва меҳрибон раҳбар. У киши ташаббуси билан Хитой ва Корея фирмалари билан ҳамкор қўшма корхоналар ташкил этилди. Сергелида тикув ва дори-дармон корхоналари ишга тушди. Канадалик ишбилармонлар билан ҳамкорлик қилиш ҳаракати бошланди.

У кишининг бирдан-бир орзуси "Бугунги кунда жаҳон бозорида рақобатлашадиган маҳсулот тайёрлашдир". Моҳир енгил саноатчи 1991 йилда Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлган экан, ўша кундан буён шу партия ғояларини ишчиларга амалда тарғиб этиб келмоқда.

Шукур-Салим ТЕМУРОВ, 2-Оқтепа сайлов округи

Отасидан 2 ёшида етим қолиб, онаси ҳамда бувиси тарбиясида бўлган. Ш. С. Темуров 1954 йилда Тошкентдаги 24-ўрта мактабни, 1960 йилда эса Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг мевачилик ва узумчилик факультетини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини "Оҳангарон" давлат хўжалигида агрономликдан бошлаган.

Жамоатчилик фаолияти 1965 йилдан С.Раҳимов туманидаги "Калонхона" маҳалла қўмитаси аъзолигидан бошланган.

Ш. Темуров ЎзХДП Марказий Кенгаши аъзоси сифатида маҳаллаларда бошланғич партия ташкилотларини тузиш, миллий истиқлол мафкурасини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилишда фаоллик кўрсатмоқда. Ҳозирда республика "Маҳалла" жамғармасига раислик қилмоқда.

Ш. Темуровнинг жамоат арбоби сифатида халқ ва Ватан олдидаги катта хизматлари учун, унга I-даражали "Соғлом авлод учун" ордени, "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими" фахрий унвони, Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи, Ўзбекистон халқ таълими аълочиси нишони билан тақдирланганлиги, унинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига муносиб номзод эканлигидан далолатдир.

Баҳодир Ғуломович АЛИМОВ, 3-Акмал Икромов сайлов округи

Депутатликка номзод ҳақида "Ўзсувқурилиштранс" автомобиль транспорти ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош муҳандиси Ш. ИНОҒОМОВ ҳикоя қилади.

—Баҳодир Алимов 51 ёшда. 1991 йилдан Ўзбекистон ХДП аъзоси. Бирлашмамизда бош директор вазифасида ишлайди. Меҳнат фаолиятини автомобиллар таъмирлаш корхонасида чилангар шогирдлигидан бошлаган. Шу соҳада олий маълумотли бўлгач, 2505-автожамламасида катта механик лавозимида фаолият кўрсатган.

У қайси бир корхона ёки ташкилотда меҳнат қилмасин, ўзининг фидойилиги, меҳнатсеварлиги, янгилик яратишда жонкуярлиги билан биз транспортчиларнинг ҳурматимизга сазовор бўлган.

Ўзбекистон сув иншоотлари қурилишига зарур ускуналарни етказиб беришда жамоамиз тиним билмай меҳнат қилмоқда. Фарғонадаги Сўх сув омбори, Асакадаги ЎзДЭУ автомобиль корхонаси қурилиши сингари бир қатор объектлар бунёд этилиши мамлакатимиз мустақиллигига келгусида хизмат қилиши билан фахрланамиз.

Бирлашмамизнинг барча ишчи ва хизматчилари бош директоримиз Б. Алимовнинг номзоди мамлакатимиз Олий Мажлиси депутатлигига кўрсатилганлигини муносиб деб баҳоламоқдалар.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастурида "Она-ер ўз эгасини топсин, халқ фаровонлигига хизмат қилсин!" деган ажойиб ибора бор. Баҳодир Алимов ЎзХДПнинг муносиб аъзоси бўлиш билан бирга Сиёсий дастурдаги ана шу сўзларни ўзига шиор қилиб олган.

Ботир Маҳкамович ҚОСИМОВ, 4-Бектемир сайлов округи

Қадимда кўҳна диёримиздан Буюк Ипак йўлининг жуда кўп сўқмоқлари ўтиб, ўлкамиз жаҳондаги кўп мамлакатлар билан қулай алоқа қилган. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, бизни таниган давлатлар билан яхши қўшничилик алоқаларини ўрнатиш учун қулай ҳамкорлик дарвозалари кенг очилмоқда. Ана шу дарвозалардан кириб чиқадиган юк ташувчи автомобилларимиз иқтисодий қийинчиликларни енгишда қўл келмоқда. Ёнбошига "Ўзинтранс", Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, тел: 903603 ёзуви туширилган машиналаримиз ҳозирда жаҳондаги 16 та давлатнинг йўлларида эркин юрибди. Қадимги туялар карвони ўрнини бир неча баравар босадиган бу машиналар мамлакатимиз довруғини жаҳонга таратмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўладиган сайловлар учун 4-Бектемир сайлов округидан депутатликка номзод этиб кўрсатилган корхонамиз раҳбари Ботир Қосимов Халқ демократик партияси ва эл юрт ишончини оқлайди, деб ишонамиз. Партиямизнинг сайловолди Сиёсий дастурида "Ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш халқнинг муносиб турмуш даражасини таъминлаши керак" деган сўзлар транспорт корхонасида умумий қўлланмамиз бўлиб қолади.

Олий Мажлисга бўладиган сайловлар кўппартиявийлик демократия асосларида ўтказилиши билан ҳам катта аҳамиятга моликдир. Бундай катта сиёсий тадбирни ғоятда уюшқоқлик билан ўтказишда бажонидил қатнашар эканмиз, номзодлар сафида ажойиб транспортчи, корхонамиз раҳбари, ЎзХДП аъзоси борлиги билан фахрланамиз ва округ сайловчиларини унга яқдиллик билан овоз беришга даъват этамиз.

Фаррух Амирович АҚНАЗАРОВ, 7-Қорасув сайлов округи

Шундай инсонлар борки, улар бутун умрини илм-фанга, маданиятимиз ривожига бахшида этадилар. Фарғона водийсининг Қувасой шаҳрида хизматчи оиласида таваллуд топган Фаррух Ақназаров ҳам ана шундай фидойилардан бири. Ў ўзининг бутун онгли ҳаётини илм-фанни ривожлантиришга, етук мутахассис кадрлар тайёрлашга сарф этиб келмоқда.

1975 йилда Фарғона Политехника институтининг муҳандислик факультетини имтиёзли тамомлаган Фаррухнинг билимга чанқоқлигини сезган институт раҳбарияти уни "Иқтисод ва саноат ишлаб чиқарилишини ташкиллаштириш" кафедрасида ишга олиб қолди. Фаррух Амирович ўз устида қунт билан ишлади. Ўқиди, ўрганди, изланди. Бу ўз самарасини бермай қолмади. 1976 йилда С. Оржоникидзе номли Москва Бошқарув институтининг "Саноатда бошқарувнинг назарияси" кафедрасида тадқиқотчи — ўқитувчи, бир йилдан сўнг шу кафедра аспиранти бўлди.

Фаррух Амирович 1981 йилда номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Кучли назарий билимлар билан қуролланиб, ўзининг қадрдон институтига қайтди. 1981—83 йиллари Фарғона Политехника институтининг "Саноат корхоналарининг иқтисоди ва уни ташкил этиш" кафедрасида аввал ассистент, сўнгра катта ўқитувчи ва доцент лавозимида ишлади.

Фаррух Амирович 1994 йилда Вашингтон (АҚШ) ва Гаага (Голландия) шаҳарларида Жаҳон тараққиёт банкининг Иқтисод институти курсларида ўқиди.

Неъмат ҲИКМАТУЛЛАЕВ, 5-Дархон сайлов округи

Бундан 50 йил муқаддам Тошкент темирйўл транспорти муҳандислари институтини битирган Неъмат Ҳикматуллаев ўша пайтдан бошлаб ўзининг билими ва бутун ғайрат-шижоатини республикада оғир саноат корхоналари бунёд бўлиши ишига бағишлади. Ўтган ярим аср мобайнида Ўзбекистон оғир саноатини лойиҳалаш институтида изланувчан муҳандисликдан акциядорлик жамиятининг раиси лавозими даражасигача кўтарилди.

Мамлакат Олий Мажлиси депутатлигига номзод, катта истеъдодли мутахассис Н. Ҳикматуллаев раҳбарлигида Бекобод металлургия, Чирчиқ қийин эрийдиган ва ўтга чидамли маъданлар, Фарғона азот ўғитлари, Тошкент трактор ва мотор, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, "Подъёмник", Чирчиқ трансформатор, Тошкент чинни ва бошқа ўнлаб корхоналар мукаммал лойиҳалари яратилиб, бу иншоотлар қад кўтарди. Шу кунларда Асакада ДЭУ автомобиль, Урганчда Мерседес БЕНЦ, Қўйлиқ қоғоз корхоналари лойиҳалари ишланмоқда.

Бутун Ўзбекистон бўйлаб барча қурилиш майдонлари ва лойиҳалаш масканларида Неъмат Ҳикматуллаев номини ҳурмат билан тилга олишади ва бунёдкорликнинг муҳим муаммоларини ечадиган маслаҳат олишади.

Ўзбекистонда лойиҳачилик ишларининг йирик ташкилотчиси, ўз сўзининг устидан чиқадиган, камтарин, ажойиб мутахассис айни пайтда 550 киши меҳнат қиладиган улкан лойиҳа даргоҳи жамоасининг ҳам ардоқли отасидир.

Эдем Муротович ДЖЕЛИЛЕВ, 6-Улуғбек сайлов округи

Ўрта бўйли, бақувват жуссали бу йигит 1951 йили Кострома вилоятида туғилган. Тошкент олий ўқув юртининг механика муҳандислиги ихтисослигини битириб, пойтахтимиздаги ҳозирги "Ўзқурилишмеханизация" бирлашмасининг 1-тажриба-эксперименталь заводига технолог сифатида келиб, ҳозирда унинг директори лавозими даражасига кўтарилди. Жамоанинг ҳурматига сазовор бўлганлиги, ишлаб чиқаришни ғоятда новаторлик билан йўлга қўя билиши учун ҳам жамоа уни беш йил олдин муқобиллик асосида директор этиб сайлади. Ўтган шу давр ичида корхона тараққиёти учун бир қатор туб ўзгаришлар ясади. Корхона бутунлай қайта ташкил этилиб, у ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди.

— Мен мустақил Ўзбекистон республикасида эркин яшаб меҳнат қилиш бахтига муяссар бўлган турли миллат вакилларининг бири бўлганлигим учун ҳам фахрланаман, — дейди корхона раҳбари Эдем Муротович. — Биз турли миллат кишилари Ўзбекистонни ўзимизнинг она Ватанимиз, деб англаймиз ва энг орзу-умидли мақсадимиз унинг бойлигига бойлик қўшишдир.

Корхонанинг барча ишчилари ўзларининг муносиб фарзанди Эдем Джелилев номзоди Олий Мажлис депутатлигига муносиб номзодлигини айтмоқдалар. Муносиб номзод, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси Эдем Муротович ўз фирқасининг сайловолди Сиёсий дастуридаги теран фикрларни қалбига жо қилган. Ана шундан келиб чиқиб, депутат этиб сайлангудек бўлса, ана шу Сиёсий дастур шиорларининг рўёбга чиқиши йўлида мазмунли фаолият кўрсата олишига унинг турли миллатли касбдошлари ишонадилар.

Абдуғофир Мамажонович САРТАЕВ, 8-Тракторсозлар сайлов округи

Трамвай корхонаси ярим тунда ҳам тиним билмайди. Янги кун тонгида вагонларни йўлга чиқариш учун қизғин иш боради. Депо раҳбари Абдуғофир Сартаев соат бешларда дарвозадан кириб келаркан унга транспортчилик касб усулларини ўргатган ардоқли устози Муҳиддин Носиров билан самимий салом-алик қилади. Шу пайт устоз ва шогирд ўртасида ота-боладек суҳбат бўлади. Корхона раҳбари А. Сартаев устозлари, кекса ишчилар маслаҳати билан иш тутиб, корхона фаолиятини ўнглашга ҳаракат қилмоқда. Депо ҳар куни йўлга 85 та троллейбус, 94 та трамвай чиқаради. Ҳар бир вагон бир кунда 1800 кишига хизмат қилади. Йўл азоби деганларидек, вагонларга юзлаб хил нарса етмайди. Аввало иложи бор қисмлар корхонанинг ўзида тайёрлаб ўзлаштирилди, қолгани Новосибирскдан шартнома асосида олиб келинмоқда. Шаҳар ҳокимлиги бу йил корхонамизга 33 та троллейбус сотиб олиб берди. Келгуси йили яна 25 таси келтирилади.

3-трамвай-троллейбус депосига 1990 йилдан буён раҳбарлик қилиб келаётган А. Сартаев муносиб ҳаёт йўлини босиб ўтаётган ибратли транспортчи. Олий Мажлис депутатлигига унинг номзоди кўрсатилган экан, буни Халқ демократик партиясининг юртимиз халқи фаровонлиги йўлидаги иқтисодий ислоҳотлар учун катта сафарбарликка даъват этувчи тадбир деб биламиз.

Ишда сезгир ва талабчан, турмушда ғамхўр ва меҳрибон А. Сартаев мамлакат депутатлигига муносиб номзодлардан бири. Унга халқимиз бажонидил овоз беришга ишонамиз. Чунки у Халқ демократик партияси ғояларини рўёбга чиқариш учун виждонан астойдил ҳаракат қилмоқда.

Абдулла ОМОНОВ,
депо бош муҳандиси.

Михаил Зиновьевич МАРТЬЯНОВ, 9-Миробод сайлов округи

Мамлакатимиз Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб кўрсатилган Михаил Мартьянов мамлакатимиз халқ хўжалигининг қон томирларидан бири бўлган республика темир йўл машиналарини таъмирлаш бирлашмасининг бош директори. Толмас раҳбарнинг ҳар кунги меҳнат фаолияти тонг саҳарда — корхона цехларини айланиб, бажарилган ва амалга ошмаган ишларни ўрганишдан бошланади. Чунки соат 5.30 минутда бирлашма бўйича тонгги режалаш бошланади. Шу кун учун белгиланган вазифалар соат 6 да цехлар режа йиғилишида пишиқтирилади.

Михаил Мартьянов мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида толмай хизмат қилаётган забардаст темирйўлчи. У Қизил Ўрда, Душанбе, Ховос, Жиззах, Тошкент темир йўл корхоналарида узоқ йиллар меҳнат қилиб тобланган. У ўз ишининг чинакам билимдони ва республикада темир йўлнинг йирик ташкилотчиларидан бири.

Партиямизнинг сайловолди Сиёсий дастурида битилган "Ўзбекистон — барчамиз учун азиз ва мўътабар Ватан", "Биз — ягона оиланинг фарзандларимиз" деган туйғулар бирлашмамиз ишчи ва хизматчиларининг турмуш тарзига сингиб кетган.

Эркин ҚАҲҲОРОВ.

Абдуманап Абдураимович АЛИМБОЕВ, 10-Файзиобод сайлов округи.

Абдуманап Абдураимович ҳақида "Ўзэлектроаппарат" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошланғич партия ташкилоти котиби А. Содиқовнинг фикри қуйидагича:

—"Ўзэлектроаппарат" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Абдуманап Алимбоев қуювчи, слесарь-созловчи, таъмирловчи бўлиб ишлаган. Тошкент қўғирчоқ фабрикасида директорлик қилган. Кейинчалик Тошкент "Мебель" ишлаб чиқариш бирлашмасида ишлади. Муқобиллик асосида 1989 йил февралидан бошлаб "Средазэлектроаппарат" бирлашмасининг бош директори этиб сайланди. Собиқ СССР парчалангач, корхонани оёққа турғизди. Мураккаб шароитда асосий кадрларни сақлаб қолди.

Ишлаб чиқариш суръати пасаймади.

Бу корхона — фақат Марказий Осиёдагина эмас, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ҳам муносиб обрўга эга. Кўплаб чет эл фирмалари шериклик таклиф этмоқдалар. Янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Уларнинг сифати тобора яхшиланиб бормоқда. Меҳнат жамоаси маҳсулот сифати учун 3 марта халқаро мукофот олди.

Ҳотам Маҳкамович АБДУРАИМОВ, 11-Чуқурсой сайлов округи

Ҳотам Маҳкамович Абдураимов 1950 йилда Тошкент шаҳрида, хизматчи оиласида туғилган. Миллати ўзбек. 1972 йили Тошкент политехника институтини тугатиб республика Фанлар академияси физика-техника институтига хизматга йўлланди ва 1978 йилгача муҳандис,катта муҳандис, илмий ходим вазифаларида ишлади. Бир қатор амалда қўлланилаётган тадқиқотлар муаллифи.

1985 йили Саратов олий партия мактабига ўқишга йўлланди. 1987 йил ўқув масканини муваффақиятли тугатди ва Тошкент шаҳар партия комитетида ишлаб, шаҳарда хўжаликни ривожлантиришда фаол иштирок этди.

1991 йил Халқ демократик партиясини ташкил этиш, унинг таъсис съездига тайёргарлик кўришда катта ҳисса қўшди.

Шу йили Халқ демократик партияси таъсис қурултойида МК котиби, Тошкент шаҳар партия ташкилоти таъсис конференциясида ХДП Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби этиб сайланди.

1993 йилнинг мартидан 1994 йилгача Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ҳокими лавозимида меҳнат қилди. Унинг бир ярим йиллик тумандаги раҳбарлик фаолиятида катта ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди.

Шу йилнинг июль ойида Ҳ. М. Абдураимов Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари этиб тайинланди.

Абдужамил СОДИҚОВ, 12-Собир Раҳимов сайлов округи

Абдужамил Содиқов 1942 йилда туғилган. 1966 йилда Беруний номидаги Тошкент политехника институтини битиргач республика Геология вазирлигининг "Бухоронефтгазразведка" трестида иш бошлади.

Ўзи туғилиб ўсган, киндик қони тўкилган Она Ватани бойлигига бойлик қўшиш иштиёқи қобилиятли олимга тинчлик бермас эди. Шу мақсадда мутахассислар гуруҳи билан Малайзияга тажриба алмашгани боради. Олис мамлакат мутахассислари Ўзбекистонда нефть қудуқларининг, самарадорлигини ошириш мақсадида ҳамкорлик қилувчи қўшма корхона тузиш фикрини изҳор этишади. Бу гап қисқа фурсатда амалга ошиб "ЎзМАЛ ойл" ўзбек—малайзия қўшма корхонаси ташкил этилади ва Абдужамил Содиқов унга бош директор этиб тайинланади. Олимнинг маълум қилишича, Малайзиянинг 18 миллион аҳолиси бўла туриб, нефть конлари кўп. Йилига 30 миллион тонна нефть қазиб чиқарилади. У ерда жуда катта тажриба тўпланган. Малайзияликлар ёрдамида Қорахитой қишлоғида нефть конини таъмирлаб, уни қайтадан ишга туширишга киришилмоқда. Хориж инвестицияси, технология ва тажрибаси бу коннинг қувватини беш баравар ошириш имконини беради. Яқин келгусида бир қатор эски конларга янги қувват ва ҳаёт бахш этиш мумкин.

Файзулла Ниғматуллаевич РАҲМАТУЛЛАЕВ, 13-Қорақамиш сайлов округи

Жаҳонга шуҳрати ёйилган Тошкент чинни заводи Эски шаҳар бағридалиги учун ҳам корхонанинг жамоаси ҳаёти маҳаллалар аҳолиси анъаналари, миллий урф-одатлар билан чамбарчас боғланиб кетган. Абдулла Набиев номли маҳалла қўмитаси раиси, Ўзбекистон халқ артисти Ғани Аъзамов, "Ғалаба" маҳалласи қўмитаси раиси Ҳожиакбар Мирзахмедов, Охунбобоев номли маҳалла қўмитаси раиси Ризамат Рўзиев ва бир қатор табаррук кишилар корхонага тез-тез келиб туришади, тадбирларда иштирок этишади, миллий маросимларни тиклашда корхона маъмурияти билан ҳамкорликда иш тутишади. Улар доимо корхонадаги жўшқин меҳнат ҳаётини кўриб, завод директори Файзулла Раҳматуллаевга, "Баракалла ўғлим, ишингни ривожини берсин" деб дуо қилишади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига Халқ демократик партияси номидан кўрсатилган номзодлар рўйхатида унинг номи борлиги биз чиннисозларни мамнун этди. Оддий хизматчидан директор лавозими даражасигача кўтарилган чинакам саноатчи корхонада ҳам, мамлакат миқёсидаги минбарларда ҳам юрт бойлигини асраш ва кўпайтириш, ишчилар манфаатини кўзлаш ҳақида жонкуярлик билан гапиради.

Эҳсон ОРИПОВ,
корхона касаба уюшмаси раиси.

Муборак Йўлдошевна ЮНУСХЎЖАЕВА, 14-Сергели сайлов округи

Муборак Йўлдошевна Юнусхўжаева шарқшунос олима, тарих фанлари номзоди, Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раисаси, Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ижроия бюроси аъзоси.

Муборакхон ўрта мактабни "Олтин медаль" билан тугатгач, Ўрта Осиё давлат олийгоҳининг шарқ факультетига кирди ҳамда уни 1957 йили имтиёзли диплом билан тамомлади, илмий кенгашнинг тавсиясига биноан аспирантурада қолди ва ўз билимини мустаҳкамлади.

Муборакхон жамият, оила, аёл, бола тарбиясига оид кўплаб мақолалар ижод қилди. 1969 — 1971 йиллари қўшни Афғонистонда Қобул политехника олийгоҳида ўқитувчи-таржимон бўлиб ишлаган ва ёшлар билан олиб борган иши учун "Фахрий ёрлиқ" билан тақдирланган. 1960 — 1990 йиллар давомида Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида катта илмий ходим сифатида фаолият кўрсатган.

М. Юнусхўжаева Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси, олима бўлиши билан бирга, ажойиб оила соҳибаси, меҳрибон она, рафиқа ва қайнонадир.

Дилбар ГУЛОМОВА,
Ўзбекистон Республикаси хотин-қизлар қўмитаси раиси.

ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

1994 йил 25 декабрь якшанба — САЙЛОВЛАР куни

Алижон Элчибоевич ҚИРҒИЗБОЕВ, 15-Қўйлиқ сайлов округи

— Олий Мажлис депутатлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг номзоди сифатида унинг сайловолди Сиёсий дастури туб мақсади

— Ўзбекистон озод ва обод, тинч ва фаровон давлат бўлишига қўлимдан келганча шахсий ҳиссамни қўшишни фуқаролик бурчим, деб биламан. — дейди Тошкентдаги "Мебель" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори Алижон Қирғизбоев. — Ана шу олийжаноб мақсадга эришишимиз эса кўп жиҳатдан бунёдкорлик меҳнатимизга боғлиқ.

Дарвоқе, А. Қирғизбоев 1975 йилдан буён "Мебель" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида. Бу ерда цех бошлиғи, бош технолог, бош муҳандис, директорнинг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари лавозимларида ишлади. 1991 йилда корхона жамоаси аъзоларига уч номзоддан бирини ўзларига раҳбар қилиб сайлаш ҳуқуқи берилганида уларнинг аксарият кўпчилиги Алижон Қирғизбоевни ёқлаб чиқдилар.

Бунинг сабабини мебелсозлардан сўрасангиз улар лўндагина қилиб бош директорнинг фазилатларини санаб берадилар: ишнинг кўзини билади, ҳамиша жамоа манфаатини ўйлайди, талабчан, айни вақтда жуда меҳрибон, дилкаш.

Мебелсозлар даромадлари ҳисобига фақат ишлаб чиқаришни кенгайтириб, замонавий техника ва технологияларни жорий этишгина қолмасдан яқин атрофларидаги Чўштепа маҳалласини газлаштириб бердилар. "Ўзгариш" маҳалласидаги мактаб, тумандаги болалар боғчаларидан бири ҳам улар оталиғида.

Шундай экан, сайловчилар А. Қирғизбоев номзодини қўллаб-қувватласалар, келажаги буюк Ватанимизнинг озод ва обод, тинч ва фаровон бўлиши учун овоз берган бўладилар.

Виталий Михайлович ТОВАРОВСКИЙ, 21-Мевазор сайлов округи

"Ўзбекнефтгазқурилиш" монтаж ишлаб чиқариш бирлашмаси бошлиғи.

— Фаолиятингиз асосан узоқ жойларда кечади, шундай эмасми?

— Меҳнат фаолиятим асосан Когон, Газли, Бухоро, Муборак, Қарши шаҳарларида ўтди.

— Қайси газ қувурлари қурилишига бевосита раҳбарлик қилгансиз?

— Бухоро — Урал, Ўрта Осиё — Марказ, Бухоро — Тошкент — Бишкек — Олмаота, Шўртон — Сирдарё — Тошкент ГРЭСи.

— Нефть қувурлари-чи?

— Павлодар — Чимкент, Чимкент — Тошкент.

Биз унинг Газлидаги зилзила оқибатларини тугатишда фаол иштирок этганлигини яхши биламиз. Ҳозир Шўртонда, Кўкдумалоқда ва бошқа жойларда, Бухоро ва Муборакда катта ишлар олиб бориляпти. Иқтидори туфайли ўз жамоаси ва эл ҳурматини қозонмоқда. Унинг камтарона меҳнати давлатимиз томонидан юксак тақдирланиб келинмоқда. У "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган бинокор" унвонига, қатор орден ва медалларга сазовор бўлган. Мамлакатимизда нефть ва газ саноати корхоналари қурилишида ишлаётганига 35 йил бўлган Виталий Михайлович ҳозирги вақтда республикамиз учун ғоятда муҳим қурилишларда ўзининг ташкилотчилик қобилиятини намоён қилмоқда.

Абдуваҳоб Абдураҳмонович ТАШПЎЛАТОВ, 25-Марказий сайлов округи

Абуваҳоб Абдураҳмонович ҳақида унинг ҳамкасби Т. Собитов шундай дейди:

— У меҳнат фаолиятини 1-тикувчилик фабрикасида сменали уста вазифасидан бошлаган эди. Кейин кўп йиллар цех бошлиғи бўлиб ишлади. Чирчиқдаги "Ғунча" тикувчилик фабрикасида директорлик қилди. Ўзбекистон енгил саноат вазирининг биринчи муовини бўлди. "Юлдуз" тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида у ўзининг юқори малакали мутахассис, тажрибали раҳбар эканлигини кўрсатди. Ўзбекистонда енгил саноат ривожига муносиб улуш қўшди.

У ўз устида ишлашни бир дақиқа ҳам унутганича йўқ. 1974 йилда "Ўзбекистон тикувчилик корхоналарида хўжалик ҳисобини такомиллаштириш" мавзусида диссертация ёқлади, техника фанлари номзоди илмий даражасини олди. Шундан сўнг собиқ иттифоқ халқ хўжалиги академиясида таҳсил олди. 1992 йилда эса Ўзбекистон Республикаси муҳандислик академияси мухбир аъзоси этиб сайланди.

"Юлдуз" тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси кейинчалик ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Корхонанинг қуввати ўсди, қишлоқда унинг кичик корхона (филиал)лари ташкил этилди. Энг муҳими, маҳсулот сифатини яхшилашда ижобий ўзгаришлар рўй берди. Ҳозир корхона бир маромда барқарор ишлаяпти. А. Ташпўлатов бир неча бор туман, шаҳар кенгашлари халқ депутати этиб сайланган, Республика ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб келди.

Турғунпўлат Обидович ДАМИНОВ, 16-Машинасозлар сайлов округи

Турғунпўлат Обидович Тошкент Давлат тиббиёт институтининг ректори бўлиб ишламоқда. Ўрта мактабни олтин медаль билан тугатиб Тошкент тиббиёт институтининг педиатрия факультетига ўқишга кириб, уни аъло баҳолар билан битирди. Унинг илмий-тадқиқот ишларига иқтидори борлигини сезган илмий кенгаш шу даргоҳда стажёр-тадқиқотчи бўлиб ишлашни тавсия этди. Кейин эса шу институт болалар юқумли касалликлари кафедрасининг аспиранти бўлди. Номзодлик, докторлик диссертацияларини муваффақиятли ёқлади.

Тиббиётнинг долзарб муаммоларини ҳал этишни олим ўзининг биринчи галдаги вазифаси деб билади. Болаларда вирусли гепатитни даволаш йўлларини астойдил излади. Унинг бир қатор ишлари олий ўқув юртининг ўқув дастурларига киритилган. Москва тиббиёт академияси ва Ўзбекистон ўсимлик моддалари кимёси институти олимлари билан ҳамкорликда жигар хасталикларини даволаш йўлларини ишлаб чиқди. Илмий тадқиқот натижаларини 150 дан зиёд илмий ишларида умумлаштирди. Унинг раҳбарлигида 30 дан зиёд докторлик ва номзодлик диссертациялари ёқланди.

Т. Даминовнинг илмий-тадқиқот ишлари унинг педагогик фаолияти билан боғланиб кетган. Мураббий сифатида у ўқув жараёнига замонавий фан ютуқларини жорий этишга катта эътибор беряпти. Янги ўқув қўлланмалари яратилмоқда. Масалан, юқумли касалликлар бўйича ўзбек тилида ўзига хос ўқув дарслиги тайёрлашда иштирок этяпти. Мустақиллик даврида республикада олий тиббий таълимнинг янги концепцияси муаллифларидан бири сифатида фаол иш олиб боряпти.

Бахтиёр Рустамович АБДУЛЛАЕВ, 26-Ғайратий сайлов округи

Бахтиёр Рустамович 1970 йилда Тошкент Давлат тиббиёт институтини тугатгандан сўнг ўша ерда гистология куллиётида катта лаборант вазифасида, 1971 йилда эса 32-поликлиникада шифокор-стоматолог бўлиб ишлади ва 17-шаҳар клиник касалхонасининг юз—жағ касалликлари жарроҳлик бўлимига шифокор жарроҳ-стоматолог бўлиб ўтди. Иш фаолияти даврида ўзини малакали мутахассис сифатида кўрсатди. У ўз малакасини ошириб борди.

1981 йилда 1-тоифали шифокор, 1990 йилда олий тоифали шифокор номини олди. Катта ташкилотчилик қобилияти туфайли шифохона жамоасининг ишончига сазовор бўлди ва 1981—84 йилларда шифохона бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича муовини бўлиб ишлади.

1985 йилда шифохона жамоасининг қўллаб-қувватлаши ва юксак ишончи туфайли шифохонага бош шифокор этиб тайинланди ва ҳозирги кунгача шу лавозимда ишламоқда.

У талабчанлиги, муаммоларни тўғри ҳал қилиши туфайли шифохонада кўпгина ўзгаришлар бўлди. Шифохонада беморларни даволаш ишлари сифати яхшиланди. 1987 йилда Юнусобод туманининг ноиби, 1990 йилда шаҳар халқ ноиби этиб сайланди, ноиблик вазифасини ҳам сидқидилдан бажарди. У тиббиёт ходимларининг жамиятдаги мавқеини ошириб бориш лозим, деб билади.

Ҳотам Иноғамович ИНОҒАМОВ, 17- Самолётсозлар сайлов округи

4-давлат лойиҳалаш институти акционерлик жамияти директори. Бундан 32 йил муқаддам пахтани дастлабки қайта ишлаш бўйича муҳандис-технолог касбини эгаллаган Ҳотам Иноғамович мамлакатимиз халқ хўжалиги кўпгина мураккаб иншоотлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда қатнашди. Фақат юртимиздагина эмас, балки Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар буюртмачилари, вазирликлари ва идоралари билан ҳамкорликда лойиҳалаш ишларини олиб боришда бой тажриба тўплади. Наманган, Бухоро, Ўш тўқимачилик комбинатлари, Полдаги нотўқима материаллар фабрикаси, Ватанимиздаги тўқимачилик комбинатларининг 50 дан зиёд филиаллари ва бошқа муҳим иншоотларни лойиҳалашга бош-қош бўлди. У Югославия, Италия, Франция, Туркия сафаридан қайтиб, хорижий фирмалар билан амалий алоқаларни йўлга қўймоқда.

Унинг мақсади мамлакатимиз енгил саноатини янада ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишдир. Чет эллик шериклари билан халқаро алоқаларни ҳар томонлама мустаҳкамлаётган институтнинг обрў-эътибори кейинги йилларда анча ошди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан пахтани қайта ишлаш саноати бўйича бу институт ягона техникавий ва технологик сиёсатни олиб боришда бош ташкилотчи вазифасини бажармоқда. Ҳ. Иноғамов эса балансларни ишлаб чиқиш ва пахта толасидан фойдаланишни назорат қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси Давлат комиссиясининг аъзосидир.

Азизхон ҚАЮМОВ, 22-Шайхонтоҳур сайлов округи

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори Азизхон Қаюмовни мамлакатимизда танимаган зиёли бўлмаса керак. У ҳозир Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси қўлёзмалар илмий-текшириш институти директори бўлиб ишламоқда. Биз шу институт ХДП ташкилотининг котиби Н. Раҳмоновнинг олим ҳақидаги дил сўзларини эътиборингизга ҳавола қилмоқчимиз

— XVIII — XIX аср ўзбек шоирларидан Нодира, Увайсий, Махмурлар билан бир қаторда Акмал, Низомий Ҳўқандий, Нодир, Ҳозиқ, Ғозий ва бошқа шоирларнинг қўлёзма асарларини тадқиқ этиб, илмий истифодага киритган олимдир. Айниқса, Навоийнинг "Хамса"сига кирган 5 достоннинг илмий тадқиқ кенг жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинди. Энг қадимги даврлардаги Ўрта Осиё халқлари ва умуман, туркий халқларнинг ёзма ёдгорликлари бўйича, масалан: ўрхун-енисей битиклари, "Авесто", "Девону луғотит турк", "Тарихи Табарий" китоблари ва бошқа асарлар юзасидан илмий ишлар яратди. Бу ишлар кўп томли "Ўзбек адабиёти тарихи" китобига киритилиб, Беруний номли давлат мукофотига сазовор бўлди.

Азизхон Қаюмов "Қўлёзмалар институти фонди каталоги"ни тузиш ишларининг ташаббускори бўлди. Олимнинг саъй-ҳаракати билан мамлакатимизда ягона бўлган қадимий ёзма ёдгорликлар: туркий битиклар, сўғд, эски уйғур ёзувидаги ёзма ёдгорликларни тадқиқ этувчи илмий мактаб шаклланиб бормоқда.

Азизхон Қаюмов илмий фаолиятини жамоа ишлари билан ҳамиша биргаликда олиб бормоқда. У Ўзбекистон Олий Кенгаши депутати этиб сайланган кезларида сайловчилар ҳурматини қозонган эди. Илмий ва ижтимоий фаолияти ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган.

Сайёра Шарофовна РАШИДОВА, 27-Юнусобод сайлов округи

Сайёра Шарофовна кимё фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Фанлар академияси кимё, физика ва полимерлар институти директори. У 1965 йилда М. В. Ломоносов номли Москва давлат университетининг кимё факультетини тамомлаб, иш фаолиятини Фанлар академияси кимё институтида иш бошлади.

Ўзбекистон Фанлар академияси полимерлар кимёси бўлимини (1979 й.), кейин эса полимерлар кимёси ва физикаси институтини (1981 й.) ташкил қилишда фаол иштирок этди.

С. Рашидова илмий ишларда аниқ мақсадни кўзлайдиган, сергайрат, қатъиятли ташкилотчи эканлигини кўрсатди.

У илмий ишларни халқ хўжалигига жорий қилишга алоҳида эътибор беради. Шу мақсадда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, пахта тозалаш саноати вазирлиги билан тармоқлараро лаборатория ташкил қилинган ва улар бир қатор илмий ишланмаларни муваффақиятли жорий этишда ёрдам бермоқда. Биологик фаол полимерлар синтези соҳасида олинган илмий натижаларни қишлоқ хўжалигида ва тиббий амалиётда қўллаш усуллари топилди. Бу — пахта ўстиришда стимулятор препарат А—1 ва пахта уруғини капсуллаш учун полимер композиция ва уларни ишлатиш анча юқори иқтисодий самара келтирди.

С. Рашидова 250 дан ортиқ илмий босма ишлар муаллифи. Шу билан бирга иккита монография, 20 та муаллифлик гувоҳномаси, 2 та илмий ишлар тўпламида муҳаррир.

Ҳуснулла Ҳамидуллаевич АЗИЗОВ, 18-Ҳамза сайлов округи

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирининг биринчи ўринбосари О. Обидовдан Ҳуснулла Ҳамидуллаевич ҳақидаги фикрларини сўрадик.

— Вазирлигимизда бошқарма бошлиғининг ўринбосари сифатида аҳолининг меҳнатга лаёқатли табақаларини иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал этишда фаоллик кўрсатяпти. Катта ташкилотчилик қобилияти бор.

Кейинги вақтда меҳнат биржаси ишларини мувофиқлаштириш, меҳнат иқтисодиёти ва аҳолининг иш билан бандлиги ижтимоий муаммолари соҳасида у ўзининг етук мутахассис эканлигини кўрсатди. Аҳолининг иш билан бандлиги ва меҳнат бўйича қонун ва бошқа ҳужжатларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этди. Ўйлайманки, Ҳуснулла Ҳамидуллаевич бундан буён айни шу соҳада ўзининг бутун касб ва ташкилотчилик қобилиятини, инсоний ва ишчанлик сифатларини янада намоён қилади. Ундаги бой тажриба келгусида меҳнат қонунчилиги борасидаги ишларда самарали иштирок этиш имконини беради.

Бундан 20 йиллар муқаддам Тошкент халқ хўжалиги институтининг ҳисоблаш маркази катта муҳандиси бўлиб ишлаган Ҳуснулла Ҳамидуллаевич мана, ўн тўрт йилдирки, аҳолини ишга жойлаштириш жараёнларини бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимини ривожлантириш ва шакллантиришга ўз муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Айниқса, у ўтган йилларда Тошкент шаҳри аҳолисини ишга жойлаштириш бюросида катта муҳандис, иқтисодчи бўлиб ишлаган пайтларда Тошкент шаҳрининг ижтимоий муаммоларини ҳал этишда фаол қатнашди.

Акбар Усмонович АЛИЕВ, 28-Чинобод сайлов округи

Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Т. Йўлдошбоевдан Акбар Усмонович ҳақидаги фикрларини сўрадик.

— Олий маълумотли иқтисодчи, ХДП аъзоси Акбар Усмонович Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси Астрономия институти директорининг ўринбосари бўлиб ишламоқда. Бундан 35 йил муқаддам бизнинг институтга ишга ўтган эди. 1961 йилдан то шу пайтгача муттасил умумий масалалар бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаб келяпти. Шу давр мобайнида у ўзини тажрибали раҳбар сифатида намоён қилди. Республикада астрономия фанини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Ўз ишига ижодий ёндашиш, ташкилотчилик қобилияти барча тадбирларни юқори савияда ўтказишда муҳим омил бўлмоқда. Масалан, Акбар Усмонович институтнинг илмий бўлимларини замонавий ҳисоблаш техникаси ва жиҳозлари билан таъминлашда катта ишларни олиб боряпти. У институт меҳнат жамоасини ижтимоий муҳофаза қилиш масалаларига катта эътибор бермоқда. Илмий ходимлар ва хизматчиларнинг меҳнат, турмуш шарт-шароитларини яхшилашда жон куйдирмоқда. "Оққўрғон" маҳалласида бевосита унинг бошчилигида 150 ўринли чойхона қурилди. Юздан зиёд ҳовлига канализация тармоқлари ўтказилди. Маҳалла кўчалари ободонлаштирилди.

Муҳсинжан Хурамович АШУРОВ, 19-Дўмбробод сайлов округи

У физик мутахассислиги бўйича докторлик диссертациясини 1989 йили Москвада ёқлади. 1991 йилда "Фонон" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасини ташкил этиб, унга бошчилик қилди.

У қаттиқ жисмлар ва қаттиқ жисмли лазерлар физикаси соҳасида фаол ишлаётган таниқли олимдир. Ушбу йўналишлар бўйича бир қатор экспериментал ва назарий ишларни амалга оширди.

Муҳсинжан Хурамович Республикада оптик монокристалларни ўстиришнинг асосчисидир. Монокристалларни ўстириш, қаттиқ жисмлар физикаси ва материалшунослик соҳаларида бир қатор йирик фундаментал ва амалий масалаларни ўртага қўйди, уларни ечишга имкон яратди.

М. Ашуров Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат қўмитаси илмий-техника эксперт кенгашининг аъзоси, халқаро оптик техника жамияти Ўзбекистон бўлимининг раиси ва ишлаётган ва кенг имкониятларга молик бўлган республикадаги йирик тармоқлардан биридир. Гарчи дастлаб мазкур корхоналар даромади ҳисобидан кристаллар билан боғлиқ илмий йўналишларни ривожлантириш мўлжалланган бўлса-да, ҳозирги пайтда бирлашма республикадаги кўп илмий йўналишларни маблағ билан таъминлашга қодир.

У ташкил этган ва бошчилик қилаётган "Фонон" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси фан ва ишлаб чиқариш ютуқларини муштарак ҳолда олиб борадиган намунавий йирик муассаса. Бирлашма заргарлик буюмлари ишлаб чиқарувчи саккиз бўлинмадан иборат; улардан учтаси — қўшма (АҚШ, Италия, Бельгия) корхоналаридир.

Ҳозирги кунда "Фонон" мустақил ишлаётган ва кенг имкониятларга молик бўлган республикадаги йирик тармоқлардан биридир. Гарчи дастлаб мазкур корхоналар даромади ҳисобидан кристаллар билан боғлиқ илмий йўналишларни ривожлантириш мўлжалланган бўлса-да, ҳозирги пайтда бирлашма республикадаги кўп илмий йўналишларни маблағ билан таъминлашга қодир.

Латиф Ёқубович ҒУЛОМОВ, 29-Бошлиқ сайлов округи

Латиф Ёқубович Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби.

У ўз меҳнат фаолиятини 1978 йилда хорижий давлатда араб тили таржимонлигидан бошлади. Тошкент Давлат университетини муваффақиятли битиргач, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи қўмитасида референт, раис ўринбосари бўлиб ишлади. 1990 йилда Тошкент сиёсатшунослик ва бошқарув институтини тугаллагандан сўнг уни қайси лавозимга ишга тайинлашмасин, барчасида фидойилик кўрсатиб ишлади. Шу йил октябрь ойидан у Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгаши биринчи котиби этиб сайланди. Энг аввало, у ёшлар ташкилотларининг хорижий алоқаларини мустаҳкамлашда кўп ғайрат-шижоат кўрсатяпти. Кўп миллатли Тошкент шаҳрида соғлом ижтимоий-сиёсий вазиятни, миллатлараро тотувликни таъминлашга муносиб ҳиссасини қўшяпти. У 1990 — 94 йилларда Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси миллатлараро муносабатлар, жамоат ташкилотлари ва дин ишлари бўлими мудири сифатида диний ташкилотлар ўртасида аҳиллиқни таъминлашда жонбозлик кўрсатиб ишлади. У ўзининг очиққўнгиллиги, ҳозиржавоблиги билан жамоа ўртасида обрў-эътибор қозониб келмоқда.

Фаррух Каримович ЗОКИРОВ, 23-Оқлон сайлов округи

Фақат мамлакатимиздагина эмас, дунёга донги кетган Ўзбекистон халқ артисти, "Ялла" ансамблининг бадиий раҳбари Фаррух Зокиров ҳозир "Туркистон" саройининг бош директори. Аммо ижодий изланишни бир дақиқа ҳам бўшаштирмаяпти. Биз у билан учрашган кунимиз эртасига Австрияга кетаётганини айтди.

— Сафардан мақсад нима?

— Европада ташкил бўлган мусулмонлар ташкилотининг тадбирида қатнашиш учун бутун ансамблимиз билан таклиф этилганмиз.

— Сизни Олий Мажлисга депутатликка номзод қилиб кўрсатишибди. Агар сайлансангиз, қандай ишларни амалга оширишни мўлжаллаяпсиз?

— Худо хоҳласа депутатлар қаторига кирсам, ўзимнинг куч-ғайратимни аймасдан зиёлилар масаласига бағишлардим. Келажак авлод тарбияси жуда муҳим. А ар Европага назар ташласанг, у ерда чақалоқлик пайтидан бошлаб тарбиянинг бутун бир тизими яратилган. Бизнинг Шарқ анъаналари ахлоқ-одобимиз, қадимий қадриятларимиз олдида улар ахир нп ҳам эшолмайди-ку. Келгуси авлодга ҳам биз бу қадриятларни сингдиришимиз лозим. Агар эътибор берган бўлсангиз, "Туркистон" саройида кўпгина тадбирларда болаларга эътиборли бўлишга ҳаракат қиляпмиз. Масалан, Президент арча байрамини ўтказдик. Бу анъанавий бўлиб қолади. Мен саҳна минбаридан қўлимдан келганича тарбиянинг шу жиҳатларига эътиборни қаратмоқчиман. Юртбошимиз ғоялари ва йўлини бутун вужудим билан қўллаб-қувватлаб, элим деб, юртим деб, ёниб яшагим келади. Кавказорти ва бошқа жойлардаги нохушликларни кўриб, юртимиз кўзимга тўтиё бўлиб кўринади.

Фаррухнинг раҳматли отаси Карим Зокиров ҳам келажак авлодга сезгирлик, ғамхўрлик билан муносабатда бўлиш ниятини кўп айтганди. Ўзбек профессионал эстрадасининг асосчиси Ботир Зокиров ҳам шу мақсадда ижод қилди.

Фаррух дил сўзини янги қўшиғи сатрлари билан якунлади:

Ўзбекистон — Ватаним,
Бахт-баҳорим, чаманим.
Юрт ягона, қалб танҳо,
Элга фидо жон-таним!

Яшин Даминович СОҲИБОВ, 30-Ракат сайлов округи

Биз медицина фанлари доктори, Яшин Даминовичнинг ҳамкасби Г. Н. Хорватдан у ҳақдаги ҳолис фикрини сўрадик.

— Яшин Даминович гемотология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтининг директори бўлиб ишлаётганига 9 йил бўлди. У медицина фанлари доктори ва профессор, ТошМИни битириб, Андижон вилоят касалхонасида ўз меҳнат фаолиятини бошлаган Яшин Соҳибов кейинчалик Москвадаги аспирантурада ўқиди. Ўша ерда номзодлик диссертациясини ёқлади ва илмий иш раҳбари тавсияси билан Москва шаҳрида ишини давом эттирди. Турли касалликлар радио-изотоп диагностикаси бўлимига мудирлик қилди. Кейинчалик Москва вилоят илмий-тадқиқот клиник институтида катта илмий ходим бўлиб ишлади. Ана шу даврда у докторлик диссертациясига лойиқ ишларни ниҳоясига етказган эди.

1985 йилда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги уни Тошкентга ишга таклиф этди. Гемотология ва қон қуйиш институтининг директори сифатида бир қатор янги бўлимлар очди. Ҳозир институт клиникасида бир вақтнинг ўзида қон касалликлари билан оғриган 300 беморни махсус даволаш имконияти яратилди. Институтнинг гемотология бўйича илмий-методик марказга айланишида Яшин Даминовичнинг хизмати катта. Шуни айтиш керакки, бу ерда илмий ишлар самарадорлиги анча ошди. Кадрлар тайёрлаш иши пухта йўлга қўйилди.

Александр Николаевич МЕЛКУМОВ, 20-Чилонзор сайлов округи

"Совпластитал" қўшма корхонасининг бош директори, техника фанлари номзоди Александр Николаевич ҳақида яхшиси, унинг ҳамкасби, касаба қўмитаси раиси А. Зайцевдан эшитинг.

— Агар у 32 йилдан буён меҳнат қилиб келаётган бўлса, шундан 31 йилини кимё саноатига бағишлади. Унинг ташаббуси билан Ўзбекистонда биринчи марта республика маиший кимёпластика ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил топди. Бу эса пластмассадан маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ривожлантиришга катта туртки берди. Натижада олимларнинг ишлаб чиқаришга ўтиб фанни амалиёт билан боғлаб ишлашига имкон туғилди. Собиқ СССР пайтида кимё саноати соҳасида Марказий Осиёда биринчи бўлиб Ўзбекистонда пластмассадан кенг истеъмол буюмлари тайёрлайдиган Ўзбек — Италия илк қўшма корхонаси дунёга келди. Ва у шу соҳадаги энг унумли корхона бўлиб қолди. Ҳозир бу ерда шундай янги технологиялар ўзлаштирилганки, Марказий Осиёда ҳам, яқин хорижда ҳам унинг ўхшаши йўқ.

Корхонанинг атрофида бутун бир тармоқ тизими ташкил этилган. Аҳолига энг зарур бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтира борилиб, Тошкентда корхонанинг 2 та фирма магазини ҳамда Москва ва Калининградда 2 та фирма магазини тармоқлари бунёд этилмоқда. 2500 дан зиёд янги буюмлар тайёрлаган корхона Париж, Мадрид, Швейцария, Туркия, Германия, Венгрия, Бирлашган Араб Амирликларида кўпгина халқаро мукофотлар совриндори бўлди. Шу кунларда халқаро бозорни чуқур ўрганган ҳолда кенг истеъмол моллари тайёрланмоқда.

Саҳифалар материалларини "Ўзбекистон овози" махсус мухбирлари Ҳамид ИКРОМОВ ва Абдулла ПЎЛАТОВлар тайёрлашди.

Абдулла ОРИПОВ,
Ўзбекистон халқ шоири

ТИНЧ ЎТГАН ҲАР КУНИНГ, АЛБАТТА, БАЙРАМ

БУЮКЛИК

Осмони фалакда мўъжаз юлдуз — тош
Минди ўз табиий тайёрасига.
Роса бўшлиқларда дайдигач бебош,
Урилди Муштарий сайёрасига.

Муштарий деганн офтоб мисоли
Фазо карвонида муҳташам нордир.
Не кечди у шўрлик юлдузнинг ҳоли,
Вазни тоғ қошида зиғирча бордир.

Буюклик қудратин сезмай ё сезиб,
Ўзи излаб топмиш сўнгги маррани.
Муштарий самода миллиард йил кезиб,
Ахир ахтармаган ўша заррани.

Таажжуб қиламан, буюклик асли
Танлаган йўлидан бурилмас экан.
Зарра буюкликка урилгай аммо,
Буюклик заррага урилмас экан.

БАЙРАМ

Токи тирик экан дунёда одам,
Унга ҳамроҳ эрур гоҳ шодлик, гоҳ ғам.
Эртан не бўлишин билмасман аммо,
Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта, байрам.

Ёрдан айри кечса — ҳар лаҳза абас,
Вафосиз дўстни ҳам дўстим дема, бас.
Кенг жаҳон сен учун бўлмасдан қафас
Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта, байрам.

Демагил, чопқирдир омадим маним,
Ҳеч қачон беланмас лойларга шаънним.
Устингдан ёзмасдан бир номард ғаним,
Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта, байрам.

Оддий нарсаларни кўзга илмай гоҳ
Олис юлдузлар деб чекамиз оҳ-воҳ.
Бошингни қотирмай ёнингдаги моҳ,
Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта, байрам.

Оламда базму айш учрар аломат,
Беморга бормикан ундан ҳаловат.
Майлига ёвғон ич, лекин саломат,
Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта, байрам.

Энг аввал тинч бўлсин қўксингда виждон,
Тинч бўлсин элу юрт, Ватан жонажон.
Ғуборга чулганмай шу ер, осмон,
Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта, байрам.

Яшашнинг завқини сур, сира толмасдан,
Шеъринг ёз, пайсалга энди солмасдан.
Фақат қартайганда севиб қолмасдан
Тинч ўтган ҳар кунинг, албатта, байрам.

ЭРКИНЛИК

Эгаси йўқ тулпорман
Дала-даштда кезгувчи.
Учиб юрган шунқорман,
Ҳар шарпани сезгувчи.
Қўлга тушсам тулпор деб
Кўпкаринга солурлар.
Ё, бос қани, шунқор деб
Ўлжасини олурлар.

ХОТИРА

УРУШ ҚУРБОНЛАРИГА

Мағрибда ёвузлик кўтарганда бош
Сиз содиқ қолдингиз эзгу ниятга.
Ёмғир ёпинчиғу ёстиғингиз тош,
Қалқон бўлолдингиз инсониятга.

Она юрт бағридан жуда ҳам йироқ,
Ўзга манзилларда топширдингиз жон.
Ҳануз кўксимизни тирнайди фироқ
Гарчи сиз музаффар, ғолиб, қаҳрамон.

Гарчи Ватан сизни ҳамиша ёдлар,
Лекин армонингиз сиғмас қабрга.
Ҳали туғилмаган не-не зурёдлар
Барчаси кетдилар сиз билан бирга.

Заминда чарх урар руҳингиз бедор,
Қолган тирикларнинг тинчини ўйлаб.
Чарх урар, Чотқолга термулганча зор,
Қаршининг бепоён даштлари бўйлаб.

Озод Ўзбекистон бош эгиб бу кун
Шаҳид фарзандларин номини йўқлар.
Қай бири бедарак, қай бири беун
Узоқ сарҳадларда жимгина ухлар.

Мангуга тинмишдир қалб туғёнлари,
Энди хотирангиз йўлдошдир бизга.
Халқимнинг фидойи мард ўғлонлари,
Оллоҳнинг раҳмати ёғилсин сизга.

ДИЛ ОҒРИҒИ

Қўл оғриғи босилса
Дил оғриғи бошланар.
Олис хотиралардан
Кўнгил секин ғашланар.
Тинч ўтказган бир кунни
Эслолмайман, ё раббим.
Тақдир қўлида ёйдек
Эгилиб борар қаддим.
Яхши билан ёмоннинг
Етолмайман фарқига
Фақат йўл излаб ўтдим
Муҳаббатнинг аркига.
Бир қарасам, пайкондек
Умр учиб кетмишдир.
Билмадим, у чақин — ўқ
Қай манзилга етмишдир.
Интилганим, қайдадир
Муҳаббатим қаёнда
Балки мен бу ёнда-ю
Қалбим эса у ёнда.
Инсон умри шул экан —
Йўли тўла надомат.
Гар васлингга етказса
Келақолгил, қиёмат.
Ҳаётимнинг маъносин
Бир нафасга қайтиб бер.
Майли сўнгра барчасин
Достон қилиб, айтиб бер.
Мушкул экан бу қадар
Эзгуликка етишмоқ.
Ҳаёт-ку бир чистондир,
Муҳаббат ҳам топишмоқ.
Қўл оғриғи босилса
Дил оғриғи бошланар.
Олис хотиралардан
Кўнгил секин ғашланар...

ВИЖДОН

Жаҳон шоирлари виждон ҳақида
Азалдан минг-минглаб байтлар ёзмишлар.
Виждон-ку аслида собит ақида
Кимлардир бу йўлдан гоҳо озмишлар.

Балки виждон дея тинмай чекиб оҳ
Ҳайқириб юрмайди ҳар қандай одам.
Топилгай, боболар ҳикматларин гоҳ
Шунчаки насиҳат дегувчилар ҳам.

Қай битта нарсага муҳтож бўлса ғар,
Энг аввал ўшанга талпингай инсон.
Майли уммон қадар ё зарра қадар,
Ҳар нечук қалбларда бор бўлсин, виждон.

Магар кетар бўлса виждон бош олиб,
Иймон ҳам у билан бирга кўчгайдир.
Буткул марду номард таянчсиз қолиб,
Чоҳ узра чирпирак бўлиб учгайдир.

Девлар қутулгандек Сулаймон ўлгач,
Бетизгин туйғулар ҳар ён югургай,
Қалб деган истеҳком посбонсиз бўлгач,
Энг аввал нафс унга ўзини ургай.

Ҳақиқат аталмиш равшан қуёшни,
Очиқ дийдаларки илғамас, кўриб.
Авлиё дегайлар сўқир, авбошни,
Адолат ўрнини эгаллар фириб.

Иложин топсалар, ҳар қандай онда
Эл-юртни чалғитиб қўярлар осон.
Гар ҳакам бўлсалар бирор майдонда,
Мағлубни ғолиб деб этарлар эълон.

Куппа-кундуз куни киприк қоқмасдан
Ёлғон сўзлай бошлар "даҳо"лар ҳатто,
Кимлардир умрида бир шам ёқмасдан
Машъал бўлмоқликни қилғайлар даъво.

Виждон кетган жойда албатта бир кун
Илондек кўзголур бўҳтон ва туҳмат.
Бу ёруғ оламда одамзод учун
Бормикин улардан ортиқроқ кулфат.

Виждонсиз кимсага дуч келган нафас
Кофир ҳам дод солгай: Асрагил, ё раб!
Оддий бисмиллони билмайдиган кас
Илтижо қилгайдир қиблага қараб.

Виждондан айрилиб қолган фурсатда
Бошланар тож-тахтга ружу дафъатан.
Не-не зукко халқлар қолиб ғафлатда
Тўзғиб кетажакдир бутун бир Ватан.

Ҳа, ўзинг ёрлақа, яратган эгам,
Иблис юракларга қутқу солмасин,
Виждондан мосуво этмагин ҳеч ҳам,
Токи у хотирот бўлиб қолмасин.

ШУКУР БУРҲОН

Азамат бир чинор,
Айқирган даре.
Ундан нарироқда салобатли тог.
Тепада поёнсиз, ҳайбатли само,
Атрофда уфққа туташ дала, боғ.

Чинор соясида улуғ муйсафид
Сокин кузатади ёру осмонни.
У Шукур Бурҳондир, гоҳо шу тахлит
Тасаввур қиламан Ўзбекистонни.

СЎНГГИ БОШПАНА

То ҳаёт экансан бу олам аро
Бошингга савдолар тушгай ранг баранг.
Гоҳида шукр айлаб севинсанг гоҳо,
Жуда кўп нарсадан совир ҳафсаланг.

Юрагингни эзар минг битта савол,
Дўст деб билганингнинг адоватлари.
Қийнар унутилиш, мавҳум истиқбол,
Ўтган йўлларингнинг надоматлари.

Дейсан, наҳот ғолиб дунёда иблис,
Наҳот яхшиликнинг боши доим хам.
Чулғаб олганида шундайин бир ҳис,
Қайга қочар эдинг, бечора одам.

Фақат табиат бор — илоҳий маскан,
Фақат ўшанга сен беписанд боқма.
Лоақал уни сен танигин, Инсон,
Сўнгги бошпанангни ўт қўйиб ёқма.

ҚАЙСАР БОЛА

(Қизиқчилар бисотидан)

Бор экану йўқ экан,
Бир бола бўлган экан.
Ҳаммани сенсиратни,
У одат қилган экан.
Отани ҳам сен дермиш,
Онани ҳам сен дермиш.
Бир кун муаллим унга,
Шундай деб танбеҳ бермиш.
Сенсирайсан ҳамманн,
Шу жумладан мени ҳам,
Бундай ҳунук одатни,
Ташлагин энди, укам.
Менинг бир маслаҳатим,
Натижа берар билгин.
Сиз дейман деб барчани,
Юз марта ёзиб келгин.
Эртасига болакай,
Вазифани бажармиш.
Айтганини юз эмас,
Икки юз бор қайтармиш.
Муаллим шод: "Мен сенга,
Ҳа, ишонган эдим-да".
Бола дермиш: "Сени бир,
Хурсанд қилай дедим-да"

ТЎРТЛИКЛАР

x x x

Ҳақ севгай ўзига ёр бандаларни,
Дилида ниймони бор бандаларни.
Такаббур бошларни пастроққа эгса,
Юксакка кўтаргай хор бандаларни.

x x x

Оламда ҳеч кимса эмас ягона,
Беш панжанг мисоли турфа замона.
Агар бир оқилни учратсанг, билки,
Унга тўғри келгай юзта девона.

x x x

Паймоналар ўз-ўзидан тўлган эмас,
Мангулик ҳам бир лаҳзада бўлган эмас.
Ҳой рақибим, алай-балай дема менга,
Мен ўлмайман, чунки бобом ўлган эмас.

x x x

Ишлари иғво-ю, туҳмат ва риё,
Алдамчи, ҳаромхўр, иймонсиз бало.
Агар уларни ҳам яратган бўлсанг
Кимдан гина қилай энди, эй худо.

x x x

Шеърим, айтган сўзим, ба ҳукми замон,
Тарқалиб кетдилар ҳаммаси ҳар ён.
Қалбларда тинч-тотув яшармн, улар,
Бозор иқтисоди билан ёнма-ён.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги — 70 ёшда

ҲУҚУҚИМИЗ ИСТИҚБОЛИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири Алишер МАРДИЕВ билан суҳбат

— Ҳурматли Алишер Мардиевич! Аввало мустақил Ўзбекистон давлати Адлия вазирлигининг 70 ёшга тўлиши муносабати билан табриклаймиз.

— Раҳмат. Халқларнинг фаровонлиги ва равнақи, умуминсоний қадриятларнинг қарор топиши, фуқаролар эркинлиги ҳамда хавфсизлигининг таъминланиши демократия тамойилларининг амалга оширилиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва халқ ҳокимияти тантанасига эришиш ҳар бир жамиятнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Бу улуғвор масалаларни амалга оширишда ҳар бир ривожланган ва қонун устивор бўлган давлатлардаги каби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг ҳам салмоқли ҳиссаси бўлмоғи лозим.

Адлия — бу адолат демакдир, яъни шу номдаги вазирлик давлатнинг ижтимоий адолат, халқ ҳокимияти ниёсатини амалга оширувчи ташкилотдир. Адлия органларининг 70 йиллик тўйини нишонлаш салкам бир ярим асрлик мустамлака зулмидан озод бўлган республикамизда иқтисодий ислоҳотнинг янги босқичига ўтаётган ва маънавий, моддий ҳаётимизда ижобий ўзгаришлар юз бераётган бир вақтга тўғри келди.

— Илгари — мустақилликгача Адлия вазирлиги халқнинг ҳуқуқий кўргони бўлган эмас, унинг мавқеи пасайтириб ташлангандн, деган қарашларга Сизнинг муносабатингиз?

— Ўзбекистон Республикаси мустақил бўлгунга қадар собиқ марказ тайёрлаб берган меъёрий актлар асосида иш олиб борилар, мустақил фикрлаш жуда ҳам чекланган эди. Салбий оқибатларини ўйламай қонунларни, урф-одатларни бутун Иттифоқ миқёсида умумлаштириш, қонунлаштириш маҳаллий қонунчилик ташаббусини чеклади. Республикада ўз қонунчилик фаолиятини ривожлантириш ва такомиллаштиришга тўсқинлик қилди ва ўзбек тилидаги мавжуд юридик атамаларни унутишга олиб келди.

Мустақилликка эришганимизга қадар ҳам Адлия вазирлигининг мавқеи сиз айтган даражада паст эмас эди. Ўша пайтда вазирлигимиз зиммасига юклатилган вазифалар ҳам хилма-хил бўлиб, унинг ваколатига қуйидагилар кирар эди:

а) Ўзбекистон ҳудудида фаолият кўрсатаётган барча судлов муассасалари, прокуратура, тергов органлари, нотариат ва суд ижрочиларининг ишини ташкил этиш, уларга умумий раҳбарлик қилиш ва суд ходимларини амалга тайинлаш;

б) Қонунчиликни кузатиб бориш;

в) Арбитраж, ер комиссиялари, вақтинча ушлаб туриш камералари ҳакамлик (третейский) судлари фаолияти устидан кузатув;

г) Аҳолига юридик хизмат кўрсатиш ташкилотлари ва ҳимоячилар (жамоаси) ҳайъатлари устидан назорат ва бошқа кўплаб вазифалар юклатилган эдики, бу ҳам ўша пайтдаёқ адлия органларининг мавқеи унинг давлат органлари орасида тутган ўрни нақадар юксак бўлганлигини эътироф этиб турибди.

Шу тариқа мустақил Ўзбекистоннинг давлатчилик тизимини юзага келишида, давлат сифатида Адлия вазирлигининг ўз ўрни ва ҳиссаси бор.

70 йилдан буён фаолият кўрсатиб келаётган Адлия вазирлиги ва унинг тизимлари Ўзбекистонда қонунчиликни ривожлантиришда, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимини такомиллаштиришда фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг зиммасига Қорақалпоғистон Олий Судига, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) судларига ташкилий раҳбарлик қилиш, Ўзбекистон қонунларини системалаш ишларини олиб бориш ва шу қонунларни кодификация қилиш тўғрисида таклифлар тайёрлаш, халқ хўжалигида ишларни олиб боришга услубий раҳбарлик қилиш, ҳуқуқий билимларни тарғиб қилиш, қонунларни аҳолига тушунтириб бериш юзасидан давлат органлари ва жамоат ташкилотлари олиб борадиган ишларни мувофиқлаштириш ва шу ишларга услубий раҳбарлик қилиш, нотариат, Тошкент суд-экспертизаси илмий — текшириш институтига, шунингдек, гражданлик ҳолати актларини ёзиш органлари ва адвокатура фаолиятига умумий раҳбарлик қилиш вазифалари юклатилди.

— Энди ҳуқуқий давлат сари бораётган Ўзбекистон мамлакатида Адлия вазирлигининг роли ҳақида тўхталсангиз?

— Республикамиз Президенти И. А. Каримов ўз нутқида таъкидлаганидек "Ўзбекистон — мустақил, демократик, ҳуқуқий давлатдир. Ва — инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий мавқеи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир".

Ана шундай олий ва муқаддас мақсадларни ўз олдига қўйган Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий давлат қуриш сари илдам ҳаракат қилмоқда. Бунда вазирлигимиз нуфузли давлат органи сифатида фаолият кўрсатишини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Ҳаммамизга маълумки, Республикамизнинг ўз мустақиллигига эришиши барча давлат органларининг ваколатларини қайта кўриб чиқишни тақозо этди. Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг фаолиятини такомиллаштириш ҳақида"ги (1992 йил 8 январдаги) Фармони ва шунга мувофиқ қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил ноябрдаги 523-сонли қарори билан Ўзбекистон адлия вазирлиги (министрлиги) мустақил Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлигига айлантирилди.

Ушбу ҳужжатларга асосан Адлия вазирлиги зиммасига Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқий сиёсатини амалга оширишда давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Республикаси ва унинг фуқароларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, Республика Президентининг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, тегишли ҳуқуқий масалаларни ҳал қилишда Президент вакили сифатида қатнашиш, бошқа давлат судларида Ўзбекистон Республикаси номидан иш кўриш каби кўшимча масъулиятли ва шарафли вазифалар юкланди.

Шу билан бирга Адлия вазирлиги судларни ташкил этиш масалалари бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва уларни Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳокамасига киритади;

Судьяликка номзодларни танлайди ва уларни тайёрлайди;

Судьяларнинг малакасини ошириш билан шуғулланади;

Судларнинг моддий-техника таъминоти ва уларнинг фаолияти учун зарур шароитларни яратиш ишларини ташкил этади;

Судларнинг ташкилий ишларини текширади;

Халқ маслаҳатчилари сайловини ўтказишни ташкил этади;

Судлар томонидан ўтказилаётган суд амалиётини умумлаштириш ишида қатнашади;

Суд статистикасини юритиш ва суд қарорларини ижро қилишни ташкил этади;

Судьяларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади.

Шунингдек, вазирлигимиз давлат ва ҳўжалик ташкилотларининг юридик хизматида ишловчи ходимларни тайёрлаш ва аттестация қилиш, фуқароларга ҳуқуқий хизмат билан боғлиқ бўлган тадбиркорлик фаолиятига лицензия (рухсатнома) бериш, вазирликлар, давлат қўмиталари ва бошқа идораларнинг ўз ваколатлари доирасида чиқарадиган умуммажбурий тусдаги норматив актларга ҳуқуқий хулосалар бериш ва рўйхатга олиш каби фаолиятни ҳам амалга оширмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 январдаги қарорига асосан вазирлигимиз марказий аппаратида янги — "Иқтисодий ислоҳот бўйича қонунчилик ва норматив ҳужжатлар лойиҳадарини тайёрлаш ва ҳуқуқий экспертиза қилиш" бошқармаси ташкил этилди ҳамда республикадаги ҳўжалик бирлашмалари, акционерлик жамиятлари Низомларини давлат рўйхатидан ўтказиш ва улар ўз Низомларига риоя этишлари устидан назорат қилиш вазирлик ва уларнинг жойлардаги органлари зиммасига юклатилди.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан Республикамизда ҳуқуқшунос кадрлар тайёрлаш маскани ҳисобланган Тошкент Давлат юридик институти, Тошкент юридик коллежи, Тошкент суд-экспертизаси илмий-тадқиқот, адлия ва суд ходимларининг малакасини ошириш институтлари ва хўжалик ҳисобидаги ҳуқуқий хизмат кўрсатиш марказларининг мавжудлиги ва уларнинг вазифалари ҳозир кўпчиликка маълум.

Вазирлигимиз қошида махсус — ҳуқуқий адабиётларни чоп этувчи "Адолат" нашриёти ишлаб турибди. У ҳозирга қадар 100 дан ортиқ ҳуқуқий мавзудаги адабиётларни чоп этди. Республикамиздаги ягона юридик журнал "Ҳаёт ва қонун"нинг 4-сони юбилей арафасида нашрдан чиқди.

Бир сўз билан айтганда Республикамиз мустақиллигини таъминлаш ва ҳуқуқий давлат қуриш соҳасида олиб борилаётган тарихий ишларда Адлия вазирлигининг, унинг барча ходимларининг ҳам салмоқли ҳиссалари борлигидан фахрланса арзийди.

— Айрим соҳаларда адашиб қолган кадрлар бўлади. Бу масала Сизларда қандай?

— Адлия вазирлиги тармоқларида, адлия органлари ва вилоят судларида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, тарбиялаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди. Лекин, гуруч қурмаксиз бўлмаганидек, бизнинг соҳамизга ҳам ғараз мақсадларни кўзлаб кириб қолган айрим порахўрлик, тўрачилик кайфиятидаги тасодифий кимсаларни ҳам учратиш ҳоллари бўлиб туради. Биз ана шундай нопок, нохолис ходимлардан дарҳол қутилиш чораларини кўраяпмиз. Одил судловни амалга оширишда қонун қилишига йўл қўйиш, мансабларини суиистеъмол қилиш ва жиноят содир қилганликлари учун баъзи судьяларни муддатидан олдин вазифаларидан озод қилиш ҳоллари ҳам мавжуд. 1993 йилда турли сабаблар билан 89 нафар судья ўз вазифаларидан озод этилди. Шу йилнинг олти ойи давомида 18 нафар судья интизомий жавобгарликка тортилди.

— Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, томонлардан бири Ўзбекистон Республикаси бўлиб ҳисобланганда, бошқа республикалар, хорижий давлатлар судларида низоли ишлар кўриб чиқилаётганда вакиллик қилиш вазирликнинг асосий вазифаларидан бири. Шу мамлакатимизда амалда қўлланилишига тўғри келдими?

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ўз ҳуқуқ доирасида бошқа республикаларнинг, хорижий давлатларнинг тегишли юридик органлари билан, шунингдек халқаро юридик ташкилотлар билан ишларни мувофиқлаштириш, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартномалар ва битимлар тузади.

Вазирлигимиз вакиллари Россия Федерацияси, Қирғизистон Республикаси ўртасидаги ўзаро мулкий масалаларни ҳал қилишдаги музокараларда бевосита иштирок этдилар.

— Сизга катта раҳмат, соғ бўлинг. Тантаналарингиз яхши ўтсин.

Қурбон АЛИ суҳбатлашди.
"Ўзбекистон овози" махсус мухбири.

Бу китобни ўқинг

"ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ"

Китобхонлар орасида баъзан шундай мулоҳаза айтиларди: бизда "Ўзбекистон тарихи" бор, "Ўзбекистон географияси" ёзилган, нега "Ўзбекистон иқтисодиёти" йўқ? Яқинда "Ўқитувчи" нашриёти шу соҳа мутахассисларининг, умуман кенг китобхонлар оммасининг бу борадаги эҳтиёжини қисман қондирди, десак бўлади. Таниқли иқтисодчи олим Нурислом Тўхлиевнинг "Ўзбекистон иқтисодиёти" китоби босмадан чиқди.

Хўш, мазкур китоб қайси жиҳатлари билан ажралиб туради? Аввало у ҳаммабоп: содда, равон тилда ёзилган. Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида миллий иқтисодиётини барпо этаётган бир пайтда худди шундай илмий ва ҳаётий таҳлиллар асосида ёзилган китоб жуда-жуда керак эди. Маълумки, республикамизда эски хўжалик юритиш машинаси бутунлай синдириб ташланмасдан, унинг афзал томонларидан кенг фойдаланиб келинмоқда, янги истиқболли ва самарали хўжалик юритиш механизми босқичма-босқич қарор топмоқда. Китоб ана шу хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда тайёрланган.

Навіб-Р

"ҲАБИБ-Р" ХАЛҚ ҲУНАРМАНДЛАРИ АМАЛИЙ САНЪАТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИ

Замонавий чет эл дастгоҳларида ишлаб чиқарилган қиз ва ўғил болаларнинг турли хилдаги сифатли, бежирим ва қулай бўлган трикотаж кийимларини

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Мурожаат учун манзилгоҳ:
Ислом Усмонов кўчаси, "АЛГОРИТМ" ишлаб чиқариш бирлашмаси.

Телефон: 74-76-26

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси ветеринария Бош бошқармаси жамоаси Хоразм вилояти ветеринария бўлимининг бошлиғи Абдулло Қуранбоевга отаси **Қуранбой ТУРДИЕВнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси "Хўжалик моллари" акционерлик бирлашмаси жамоаси меҳнат фахрийси **Қодир Ибрагимович ХАИРОВнинг** вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва дўстларига чуқур таъзия изҳор этади.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 32-53-15.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.
Реклама ва эълонлар бўлими — 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Жиззахда — 3-31-86; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90;
Бухорода — 3-54-87; Навоийда — 3-74-76; Қаршида — 3-25-79; Урганчда — 6-51-35;
Гулистонда — 2-26-22; Наманганда — 6-43-43; Қумқўрғонда — 52-624; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А—2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 24.00. Г—1228, 72841 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир: Қ. ЭШМАТОВ, навбатчи: С. САЛИМОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.

123456.